



Германияда иккинчи Жахон урушининг сўнги ҳафталарида совет аскарлари томонидан зўрланган немис аёлларининг тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи фильм борасида бахслар кизгин давом этмоқда. Бугунги кунда бу воқеалар ҳақида нисбатан маълум?

Иккинчи Жахон уруши тарихида ҳали ўрганилмаган боблар мавжуд. Улардан бири урушнинг сўнги ҳафталарида немис аёлларининг совет аскарлари томонидан оммавий равишда зўрланишидир.

1945 йилнинг баҳори. Гитлерчилар Германияси бошлаган Иккинчи Жахон уруши даҳшатларидан ўтган Кизил армия аскарлари Германия пойтахтини эгаллайди. Бу пайтда Берлинда бир ярим миллионга яқин аёл бор эди, уларнинг аксарияти халоскорлар армияси аскарлари томонидан содир этилган оммавий зўравонликлар қурбони бўлган. Исмими ошқор қилишни истамаган берлинлик журналист аёлнинг кундалигига асосланган «Номаълум: Берлиндаги бир аёл» янги немис фильми шу воқеалар ҳақида ҳикоя қилади.

Аёл ўз кундалигида урушнинг сўнгги ҳафталари воқеаларини баён қилади. Муаллиф – фильмнинг бош қаҳрамони. 1945 йилнинг баҳорида у бошқа аёллар билан биргаликда совет аскарлари томонидан бир неча марта зўрланади. Такрорий зўравонликнинг олдини олиш учун у совет офицерида химоя излайди. Улар ўртасида жиддий муносабатлар ривожлана бошлайди.

"Аноним" кундалик

Бу кундалик илк марта уруш тугаганидан тўққиз йил ўтгач, Америка Қўшма Штатларида чоп этилган. Германияда у 1959 йилда пайдо бўлди, лекин немис жамияти бу мураккаб мавзуни муҳокама қилишга тайёр эмаслиги туфайли эътиборсиз қолдирилди: ўша пайтда мамлакат ўз ҳатоларини тушуниш ва фашистлар армиясининг зулми ва бебошлиklarини қоралаш билан машғул эди. Факат 2003 йилда кундалик қайта чоп этилди ва дарҳол бестселлер бўлди. Ҳозирги кунда кўпчилик немислар, айниқса, ёш авлод иккинчи Жаҳон уруши тарихини биров бошқача нуқтаи назардан кўриб чиқмоқдалар.

Тарихчиларнинг ҳеч бири совет аскарлари томонидан оммавий зўравонликлар бўлганлиги ҳақида баҳслашмайди. Айни пайтда, Берлинлик тарихчи Берт Хоппе (Bert Hoppe) фикрича, бу мавзуга бағишланган кино ва адабиётнинг машҳур асарлари факт ёки ҳужжатларга эмас, балки алоҳида тақдирларга асосланади. Бу мавзу бўйича илмий тадқиқотлар амалда йўқ, чунки тарихчилар ҳужжатли манбаларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлашнинг қийинлиги сабабли бундай мураккаб масалани кўтариб чиқишга журъат этмайдилар.

Қасалхона қайдлари ҳужжатли манба сифатида

Немис клиникаларининг қасалхона қитоблари қурбонлар тахминий сони бўйича муҳокама қилиниши мумкин оммавий зўравонликлар ҳақиқатини ҳужжатлар билан тасдиқлайдиган манбалардан бири ҳисобланади. Ҳужжатли фильмлар мутахассиси Хельке Зандер (Helke Sander) 1992 йилда пойтахтнинг энг йирик қасалхонаси "Шаритэ" ҳужжатларини кўтарган. Бу ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида у 1945 йил баҳори ва ёзида 110 мингга яқин Берлинда истикомат қилувчи аёл таносил қасалликларидан шикоят қилиб ёки ҳомиладорликни тўхтатишни сўраб шифокорларга мурожаат қилган.

Совет кўшинлари Берлинга қириб келган пайт бу ерда қарийб бир ярим миллион аёл бор эди. Тарихчи Бернд Бонвеч (Bernd Bonwetsch) Берлиндаги аёлларнинг саккиз фоизи совет аскарлари томонидан зўрланган бўлиши мумкин, деган ҳулосага келган. Қизил армия босиб олган ҳудудларда жинсий зўравонлик қурбонлари аниқ сони номаълум.

Зўрлашликлар ўзидан статистика колдирмайди

Бир катор тарихчилар келтирадиган ракамлар бир неча юз мингдан икки миллионгачани ташкил килади. "Совет аскарлари канча аёлни зўрлагани хақида биз ҳеч қачон била олмаймиз, - дейди Москвадаги Германия тарих институти директори Бернд Бонвеч Deutsche Welle га берган интервьюда. – Шунингдек, биз гитлерчилар армияси аскарлари томонидан канча совет аёллари жабр кўргани хақида ҳам ҳеч қачон била олмаймиз. Бир неча минг қурбон – худди икки миллион қурбон каби дахшатли ракам эканлигини тушуниш муҳим".

Бонвечнинг сўзларига кўра, Кизил армия томонидан тинч немис аҳолисига нисбатан содир этилган жиноятларни қоралаш Германияда тушунарли сабабларга кўра узок вақт сукут пардаси остида бўлган. "Эндиликда бу тақим олиб ташланди, шу сабабли Германияда бу мавзуга жамоатчилик кизиқиши жуда катта", - дейди Бернд Бонвеч ва бу қадар мураккаб мавзудаги баҳс катнашчиси бўлиб, уруш йилларида жинсий зўравонликлар сабаби нима бўлганлиги ёддан чиқармаслик муҳим эканлигини таъкидлайди.

«Цивилизация қобиғи жуда мўрт, - дея таъкидлайди эксперт. - Уруш инсонда тинч ҳаёт шароитида қонун-қоидалар ва ахлоқ-одоб билан бостириладиган ва қечланадиган бундай ҳислатларни очиқ ташлайди»

Урушлар вақтида зўравонлик ҳолатларини ўрганиш билан шугулланувчи психологлар фикрига кўра, душманнынги жиноятлари учун қасос олиш истағи мавжуд ҳар қандай ахлоқий тўсиқларни вайрон қилади. Аёлларга нисбатан зўравонлик жиноят эканлиги, ўз ватани ва Европани нацизмдан озод қилиш билан боғлиқ бўлса ҳам, уни ҳеч қандай юқсак миссия билан оқлаб бўлмаслигини аңлаш йўқолади.

Эрқаклар шафқатсизлиги уруш дахшатларининг оқибати сифатида

Бонвечнинг фикрига кўра, Кизил армия аскарлари томонидан жинсий зўравонликлар сабаби халқ сифатида немисларга нисбатан нафрат ва қасосдан кўра, кўпроқ «урушда қолиб қикқан аскарларга ҳеч қим ҳеч нарсани тақимқлай олмайдиган қавқулодда вазиётда аскарлар ўртасида интизомнинг йўқолиши ва таназзул» ҳисобланади. Немис тарихчиси Берт Хоппе ўзининг Berliner Zeitung газетаси саҳифаларида қоп этилган мақоласида шуни қўрсатадики, совет аскарлари ўша пайтлар Германияга мажбурий ишлашга олиб қелинган ёқи асирликда бўлган ўз ватандош аёлларига нисбатан ҳам шафқатсиз муносабатда бўлган. Бундан ташқари, Хоппе айрим немис тарихчиларининг Кизил армия аскарлари немис аёлларини зўрлаш хақида буйруқлар олгани хақида тезисларни инқор қилади.

Терапевтлар жинсий зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш истагида

Шов-шувларга сабаб бўлган фильм туфайли жамиятда бахс-мунозаралар авж олган бир пайтда Грейфсвальддаги Шаркий Германия университети психиатрлари совет аскарлари томонидан жинсий зўравонликка учраган ва ҳозиргача омон қолган немис аёллари тақдирини ўрганишга киришдилар. Улар 1945 йил баҳорида рўй берган воқеалар ҳақида қўнғилли равишда гапириб беришни истаган аёллар ўртасида сўровлар ўтказмоқдалар.

Лойиха ташаббусчиси Филипп Куверт (Philipp Kuwert) сўзларига кўра, ҳатто уруш тугаганига ярим асрдан ортиқ вақт бўлган бўлсада, жабр кўрганларга шу йиллар давомида уларни таъкиб қилиб келган шармандалиқ ва кўркув ҳиссидан халос бўлишга ёрдам бериш мумкин. Унинг сўзларига кўра, зўрлашлар Германиянинг барча қисмларида оммавий кўринишда бўлган ва нафакат Кизил армия аскарлари томонидан амалга оширилган.

Молиявий сабабларга кўра ушбу тадқиқот ҳозирча фақат учта минтақада: Берлин, Бранденбург ва Мекленбург - Олд Померанияда амалга оширилади. Университет ходимлари шунингдек, Украина ҳудудида ҳам бундай лойихани амалга ошириш ва Донецкда ҳамкасблари ёрдамида гитлерчилар томонидан зўрланган Шаркий Европа аёллари тақдирини ўрганиш ниятида. Иккинчи жаҳон уруши тарихининг бу саҳифалари сир сакланиб, ханузгача ҳеч ким томонидан ўрганилмаган.

[Оксана Евдокимова](#)

[Абу Муслим таржимаси](#)